



Improving the content of national education system on the basis of PISA international assessment program

Akramjon MATKARIMOV¹

Andizhan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2022

Received in revised form
25 June 2022

Accepted 25 July 2022

Available online

20 August 2022

Keywords:

PISA Programme for
International Student
Assessment,
national education system,
educational content,
educational quality,
pedagogical conditions,
basic competencies.

ABSTRACT

Legal-normative basis of application of PISA international assessment program to national education system and its content, as well as practical aspects of the impact on education system are highlighted in the article. The article also describes the relevance and possibilities of participation in international programs for assessing the quality of education, directions of PISA international assessment program in improving the content of national education system of Uzbekistan and their practical importance.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss4-pp177-187>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

PISA халқаро баҳолаш дастури асосида миллий таълим тизими мазмунини такомиллаштириш

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

PISA халқаро баҳолаш
дастури,
миллий таълим тизими,
таълим мазмуни,
таълим сифати,
педагогик шарт-
шароитлар,
таълим компетенциялар.

Мақолада PISA халқаро баҳолаш дастурини миллий таълим тизимига татбиқ этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва унинг мазмуни, таълим тизимига таъсиринг амалий жиҳатлари ёритилиб ўтилган. Шунингдек, мақолада таълим сифатини баҳолаш халқаро дастурларида иштирок этишнинг долзарблиги ва имкониятлари, PISA халқаро баҳолаш дастурининг Ўзбекистон миллий таълим тизими мазмунини такомиллаштиришдаги йўналишлари ва уларнинг амалий аҳамияти баён этилган.

¹ Researcher of Andizhan State University, Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD).

Совершенствование содержания национальной системы образования на основе программы международной оценки PISA

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

международная программа оценки PISA, национальная система образования, содержание образования, качество образования, педагогические условия, базовые компетенции.

В статье выделена нормативно-правовая база применения международной программы оценивания PISA к национальной системе образования и ее содержание, а также практические аспекты воздействия на систему образования. Также в статье описаны актуальность и возможности участия в международных программах оценки качества образования, направления международной программы оценки PISA в совершенствовании содержания национальной системы образования Узбекистана и их практическая значимость.

PISA халқаро баҳолаш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сонли Қарори [3] билан амалиётга татбиқ этилди ва Ўзбекистон Республикаси мазкур баҳолаш дастурида илк марта 2022 йилда иштирок этди. Мазкур дастур 2000 йилдан буён халқаро педагогик амалиётга татбиқ этилган. Ўзбекистон Республикасида 2019–2022 йилларда танлаб олинган таянч мактаб ўқувчиларининг баҳолаш дастурига иштирок этишининг ташкилий-методик босқичи амалга оширилди. Халқаро баҳолаш дастури миллий таълим тизимида илк бора тадбиқ этилиши, дастурнинг миллий таълим тизими мазмунини такомиллаштириш билан боғлиқликда илмий-назарий жиҳатлари етарли ўрганилмаганлиги, шунингдек, республикада танлаб олинган таянч мактабларда баҳолаш дастурининг ташкилий-методик босқичида илмий-методик материаллар билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида [1] ўқувчиларга мактабдан ташқари йўналишда ўз билим ва кўникмаларини оширишлари таъкидланган. Хусусан, “замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали ўқувчиларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва услубий материаллардан фойдаланиши, робототехника, мехатроника, муҳандислик ва компьютернинг дастурли таъминоти йўналишларидаги тўғарақларда, таълим туризмида, болалар технопаркларидида мавжуд курсларда иштирок этиши, китоб мутолааси учун яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиши ва бошқалар белгилаб қўйилган” [1]. Мактабдан ташқари муассасалар халқ таълими тизимининг таркибий қисми ҳисобланадилар ва улар таълим-тарбия беришга мўлжалланган.

Миллий таълим тизимига халқаро баҳолаш дастурининг татбиқ қилиниши, баҳолаш дастури концепциясига мувофиқ ўқувчилар таянч компетенцияларини шакллантириш маълум педагогик шарт-шароитларни тақозо этади. Мазкур педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги, шунингдек, ўқувчиларнинг баҳолаш дастурида қўлланиладиган топшириқларни бажариш бўйича кўникмаларнинг шаклланганлиги баҳолаш дастурида муваффақиятли иштирок этишини

таъминлайди. Баҳолаш дастурида иштирок этиб келаётган давлатларнинг баҳолаш дастуридаги натижалари илмий-назарий таҳлиллари шуни кўрсатадики, баҳолаш дастури концепциясига мувофиқ таянч компетенцияларни шакллантириш миллий таълим тизимида педагогик шарт-шароитларни мавжудлигини ва уларнинг тизимли такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бунга яққол мисол сифатида 2000 йилги Германия Федератив Республикаси ўқувчиларининг баҳолаш дастуридаги қониқарсиз натижаси (PISA шок) ёки Финляндия, Сингапур давлатлари ўқувчиларининг юқори натижаларга эришиши таълим тизимида таянч компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари билан изоҳланади. PISA халқаро баҳолаш дастури Ўзбекистон таълим тизимида халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши, жаҳон таълим тизимлари тажрибаларини ўрганиш, баҳолаш дастурларида иштирок этиши орқали миллий таълим тизимини янада ривожлантириш, бу соҳадаги ислохотларни самарали амалга ошиши ҳамда уларнинг жадаллашувига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади.

Маълумки, таълим соҳасидаги бирор бир таълим инновацияси, технология, тизим, дастур, тамойил ёки уларнинг элементлари бошқа бир давлат миллий таълим тизимига жорий этилар экан, мазкур давлат таълим тизимининг миллий хусусиятлари, тамойиллари, педагогик шарт-шароитлар илмий жиҳатдан ўрганилади [5. Б. 56]. Шунингдек, PISA халқаро баҳолаш дастурида топшириқлар марказий ўринни эгаллайди. Шу топшириқларга ўхшаш топшириқларни ишлаб чиқиш, улардан кенг фойдаланиш ўқувчиларнинг дастурда муваффақиятли иштирок этишини таъминлайди.

Глобал ўзгаришлар даврида турли даражадаги таълим сифатини баҳолаш тизимининг ривожланиш тенденциялари, таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро солиштира дастурларда Ўзбекистоннинг иштироки, таълим тизимининг салоҳиятини ошириш имкониятлари, таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро солиштира дастур натижаларининг комплекс таҳлиллари, ўқувчиларнинг ўқиш, табиий фанлар, математик саводхонлигини баҳолаш, халқаро дастурлар методологияси, баҳолаш мезонларидан миллий ўқув-услубий ва ўлчов материалларини яратишда фойдаланиш, таълим сифатини баҳолашнинг стратегик йўналишлари ҳозирда таълим тизимининг энг долзарб вазифалари ҳисобланади.

PISA халқаро баҳолаш дастури иштирок этиш ҳамда унда юқори натижаларга эришиш ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони [2] қабул қилинди. Фармон орқали Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA халқаро баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш вазифаси белгилаб қўйилган. Ушбу Фармон билан тасдиқланган концепцияда бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб қўйилган. Концепцияда халқ таълими тизимидаги баъзи муаммоли ҳолатлар ҳам ўз ифодаси топган. Хусусан, “педагогика ва методика фанларига оид дарсликларнинг мазмунан эскириб қолганлиги”, “педагогларнинг методик таъминоти” қониқарли эмаслиги, «дарсликларни яратиш тизимида хилма-хилликнинг йўқлиги, уларни яратиш ва нашр қилишни монополлаштиришга” омил бўлиб қолаётганлиги, “уларнинг мазмуни, методикаси ва нашр сифатига салбий

таъсир” [2] этиши келтирилган. Ўз навбатида “давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашувга асосланганлигига қарамасдан, ўқитиш ва баҳолаш методлари, шунингдек, дарсликлар, бошқа ўқув материалларини асосан ахборотни ёдлаш ва баён қилишга қаратилган бўлиб, танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ва бошқа малакаларни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда”, “фойдаланилаётган дарсликлар сифатини ошириш, хорижий ўқув қўлланмаларини қўшимча ва муқобил ўқув материаллари сифатида қўллаш амалиётини йўлга қўйиш талаб этилмоқда” деб баён этилган.

Мазкур концепциянинг “Халқ таълими тизимининг асосий мақсад ва ривожланиш йўналишлари” деб номланган учинчи бобида “умумтаълим тизимида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш; инсон капиталини меҳнат бозорида ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш” халқ таълими тизимининг стратегик мақсади сифатида келтирилган. Ушбу концепция орқали “халқ таълими таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро дастурларни ташкил этиш мақсадида ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган PISA халқаро баҳолаш дастури умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш” вазифаси белгилаб ўтилган.

Концепция орқали мактабларда ўқитиш усуллари такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этишга оид вазифалар берилган. Жумладан “кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда касб танлаш, касбий ўсишини мустақил режалаштириш, замонавий касбларни эгаллаш қobiliятини ривожлантириш”, “давлат таълим стандартларида кўзда тутилган компетенциялар ва ўқув жараёнини интерактив бошқариш маҳорати тамойилларига асосланган педагогик фаолиятни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш”, “таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида янги, шу жумладан, муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш”, “замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида умумтаълим давлат таълим стандартлари тизимини такомиллаштириб бориш”, “бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаган фанлар асосида тузилган ўқув дастуридан босқичма-босқич воз кечиш ва ўқув фанлари сонини оптималлаштириш” [2] каби вазифалар белгилаб ўтилган. Шунингдек, “инновацион иқтисодиёт шароитида ёшларни тарбиялаш ҳамда улар бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий методлари ва йўналишларини кенг жорий этиш” таъкидланган.

“Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар” деб номланган тўртинчи бобда асосий натижалар сифатида “STEAM фанларни ва танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш компетенциялари, малакаларнинг ривожланишига алоҳида урғу беришни ҳисобга олган ҳолда замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган умумтаълим дастурлари ва янги давлат таълим стандартлари жорий этилади”, шу билан бирга, “халқ таълими тизимида ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолашда таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва изланишлар (PISA, TIMSS, PIRLS ва

бошқалар)да Ўзбекистон Республикасининг доимий иштироки таъминланади” [2] деб белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, PISA халқаро баҳолаш дастурида юқори натижаларга эришиш учун барча шарт-шароитлари, шунингдек ҳозирги кундаги муаммолар келтириб ўтилган. Ўз навбатида PISA халқаро баҳолаш дастурининг Ўзбекистонда жорий этилиши ва унга масъул вазирлик ҳамда идоралар Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти томонидан ўтказиладиган PISA va TALIS халқаро дастурларида иштирок этиши тўғрисида”ги Қарори билан белгилаб қўйилган. Мазкур ҳужжат билан асосан Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими, Ташқи ишлар, Адлия, Инновацион ривожланиш, Молия ва Иқтисодиёт вазирликларининг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ўтказиладиган PISA va TALIS халқаро дастурларида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши тўғрисидаги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси қошида таълим сифатини баҳолаш бўйича “Халқаро дастурларни амалга ошириш Миллий Маркази” ташкил этиш бўйича берилган таклифларига розилиги берилган. Миллий марказнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаб қўйилган:

- халқаро баҳолаш дастурлари ва танловларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг миллий вакили сифатида иштирок этиш;
- ўқувчи-ёшларнинг саводхонлигини ҳамда билимларини амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- таълим тизимида ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш;
- таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бажариш;
- халқаро илмий анжуманлар, симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;
- таълим сифатини баҳолаш соҳасида фундаментал ва амалий дастурлар ўтказиш;
- Ўзбекистон ва дунёнинг бошқа мамлакатлари таълим сифатини қиёсий баҳолаш;
- таълим сифатини баҳолаш бўйича дастурларни илмий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- халқаро баҳолаш дастурларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш, ушбу соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ва унинг асосида таълим муассасалари учун тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқаришда иштирок этиш;
- ўқувчи-ёшларнинг PISA, TIMSS, PIRLS, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш, таълим олиш муҳитини ҳамда ўқитувчиларнинг иш шароитларини ўрнатиш TALIS каби халқаро дастурларда иштирок этишини таъминлаш;

- ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини холисона баҳолаш ва халқаро миқёсда солиштириш асосида доимий мониторинг олиб бориш;
- таълим тизимининг ривожланиш тенденцияларини халқаро миқёсда таққослаш;
- ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланган ҳолда она тили, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича ўқув-услугий тавсиялар тайёрлаш.

Миллий Марказ томонидан халқаро баҳолаш дастурини амалга оширишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган ва булар қуйидагиларни ташкил этади:

- Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD);
- Таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA);
- Таълим соҳасидаги тадқиқотлар бўйича Австралия кенгаши (ACER);
- Жаҳон банки, Таълим тест хизмати (ETS, АҚШ);
- Вестат (АҚШ);
- Халқаро лингвистик сифатни таъминлаш маркази (сApStAn, Белгия);
- Бостон коллежидаги TIMSS ва PIRLS халқаро тадқиқот маркази (АҚШ);
- Канада статистика маркази (Канада);
- Таълимни ривожлантириш стратегияси институти (Россия).

Ушбу ташкилотлар билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни, жумладан молиявий қўллаб-қувватлаш, салоҳиятни ўрганиш ва ривожлантириш, тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳамда ўқув-услугий томондан қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган келишув ҳужатлари имзоланган [4. Б. 92].

Умумий ўрта таълим мактабларини замонавий ахборот коммуникациялари (компьютер, модем, проектор) ва INTERNET тармоғига уланганлиги, PISA халқаро баҳолаш дастурида иштирок этишга тайёргарлик фақатгина мақсадли гуруҳлар учун бўлмай, балки мактабдаги тўлиқ ўқув жараёнига таъсир кўрсатади. Бунда ўқувчиларнинг қобилияти ва иқтидорларини қуйи синфлардан бошлаб аниқлаш, ривожлантириш ва шу асосда ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро баҳолаш дастурлари, танловларда иштирок этишини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Бу ўз навбатида халқаро дастур натижаларига асосланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда ўқув адабиётлари мазмунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Мазкур ўқув дастурлари асосида ўқув машғулотларининг методик-дидактик ёндашуви тубдан кўриб чиқилади. Ушбу халқаро дастурда иштирок этиш PISA баҳолаш дастури йўналишидаги саволлар миллий базасини яратиш ва ўқув дастурларига интеграция қилишни талаб қилади, ўқув жараёни сифатини баҳолаш, ўқувчиларнинг баҳолаш тизими, амалий кўникмаларни шакллантиришни баҳолашга қаратилган синов ва имтиҳонларнинг татбиқ этилишига туртки бўлади.

PISA халқаро баҳолаш дастури йўналишидаги саволларни ўзида мужассам этган ўқув дастурлари асосида қўшимча методик қўлланма ва адабиётлар яратиш ўз навбатида мазкур дастурнинг туб моҳияти, мазмуни, таълим сиёсати билан боғлиқликни кўрсатиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)да PISA ва TALIS халқаро дастурларини амалга

оширишга йўналтирилган таянч мактабларни ташкил этиш белгилаб ўтилган. Ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро баҳолаш дастурлари ва танловларида муносиб иштирок этишни таъминлаш мақсадида вазирликнинг таркибий (Республика таълим маркази, Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис марказлари каби) бўлинмаларининг имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, заруратга қараб тегишли бўлимлар функцияларини қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилди.

PISA халқаро баҳолаш дастурига тайёрланишнинг муҳим шарт-шароитлари сифатида педагог кадрларни тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиш методикаси ва дастурларини PISA халқаро баҳолаш дастури талабларига мослаштириш, халқаро дастурлар йўналишидаги фанлар бўйича мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларининг ўқув дастурларига халқаро дастур натижаларига асосланган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб бориш белгилаб ўтилди. Ўзбекистоннинг PISA баҳолаш дастурида илк бор иштирок этаётганлиги ўз навбатида мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларига мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти, назорат-синов инструментлари ҳақида тизимли малака ошириш заруриятини келтириб чиқаради ва бу дастурда юқори натижалар билан иштирок этишда муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

PISA халқаро баҳолаш дастурини ташкил этишда педагогика йўналишлари битирувчи талабаларини умумий ўрта таълим муассасаларига ишга баҳолаш дастурига тайёр ҳолда келишларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. PISA халқаро баҳолаш дастури йўналишидаги фанлар ўқитувчилари учун илғор хорижий давлатлар тажрибасини жорий этиш бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида, PISA халқаро баҳолаш дастури тизимли равишда илмий-дастурий ишлар ўтказилишини тақозо этади ва мазкур дастур ишлари таълим тизими йўналишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим сифатини баҳолаш халқаро дастурларида иштирок этиш Ўзбекистонга қуйидаги имкониятларни беради:

- дастурларда олинган натижалар мамлакатдаги таълим сифати ва унинг халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда эгаллаган ўрни тўғрисида хулосалар чиқариш имконини беради;

- натижалар миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим мазмунини, педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини такомиллаштириш ҳамда мутахассислар томонидан дарсликларнинг янги авлодини яратишда қўлланилади;

- халқаро дастурлар таълим соҳасидаги миллий дастурларни сифатли ўтказишга ижобий таъсир кўрсатади;

- Ўзбекистонда турли ташкилотларнинг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда халқаро дастурларда иштирок этиш орқали маҳаллий мутахассисларда мониторинг дастурларини ўтказиш маданияти ривожланади, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларга мослашувига олиб келади;

- миллий таълим сифатини баҳолашдаги назорат материалларини халқаро дастурларда қўлланиладиган назорат материаллари сифати даражасида ишлаб чиқиш имконини беради.

Бундан ташқари, мазкур дастурда иштирок этиш миллий таълим тизимида баҳолаш тизимини ривожланишига туртки бўлади. Шу билан бир қаторда, халқаро миқёсда ишлатиладиган меъёрлар, тушунчалар ва мезонлар кенг жорий этилади. Баҳолаш дастури натижалари мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилади, мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда кадрлар масаласида узоқни ўйлаб қилинадиган режаларни тузишда катта маълумотлар базаси яратилишига сабаб бўлади.

PISA халқаро баҳолаш дастурида иштирок этувчи таянч мактаблар дастурдаги натижаларини таққослаш орқали мактабларнинг ихтисослашуви, жойлашуви каби омилларни ҳисобга олган ҳолда таълим сифати нафақат ўқитувчи-ўқувчи муносабатига, балки атроф-муҳит ва шарт-шароитларга ҳам боғлиқлигини кўриш мумкин бўлади. Ўқитувчи шахсий иш режасини шакллантиришда маззуларни ўқувчилар ҳаёти, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларда ҳаётий-амалий компетенцияларни ривожлантиришга йўналтириши лозим бўлади. Баҳолаш дастури натижалари таянч мактабларни жазолаш мақсадида эмас, аксинча кейинчалик таълим тизимидаги ислохотларни амалга оширишда ёрдам берадиган таҳлилий маълумотлар олинишида кўмакчи сифатида қаралиши керак. Ўқувчиларга айнан PISA халқаро баҳолаш дастурида яхши натижа кўрсатиш билан бирга, уларни мактабдан кейинги ҳаётга тайёрланаётганлигини тушунтиришга эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистонда таълимнинг халқаро даражада рақобатбардошлигини ошириш, таълим тизимида замонавий таълим технологиялари, ўқитиш ва таълим-тарбиянинг янги методларини жорий қилиш, ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқиши ва мотивациясини оширишга эътибор қаратиш таълимнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб бормоқда. Худудларда янги мактаблар қуриш, реконструкция қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ худудларида ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга таълим стандартларини янгилаш кўзда тутилган. Таълим стандартларини янгилашда халқаро илғор тажрибалардан, жумладан, халқаро дастурлар талабларига алоҳида эътибор қаратиш ва фойдаланиш тавсия этилган.

2019 йилдан бошлаб халқ таълими тизимида мактаблар фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими жорий қилинди. Бундан мақсад республика бўйича ўқувчилар билимини баҳолашни ИХТТ ва IEA (Таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси) каби халқаро ташкилотларнинг PISA, TIMSS ва PIRLS ўқувчилар билимини баҳолаш дастурлари даражасига олиб чиқишда таълим муассасаларига кўмаклашишдан иборат.

PISA баҳолаш дастури концептуал асослари таҳлили ва 2000 йилдан 2018 йилгача бўлган баҳолаш дастур концепцияси асосида ўтказилган тадқиқот ҳисоботлари таҳлили асосида баҳолаш дастурининг миллий таълим тизимида таъсири ва амалий йўналганлигини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1-жадвал

PISA халқаро баҳолаш дастурининг Ўзбекистон миллий таълим тизими мазмунини такомиллаштиришдаги йўналишлари ва уларнинг амалий аҳамияти

№	Йўналишлар	Амалий аҳамияти
1.	Таълим сиёсати йўналишини белгилаш	PISA халқаро баҳолаш дастури натижалари мактаб таълимининг ҳукумат миқёсида кўриб чиқилишида йўналишларни белгилаб олишлари учун маълумотлар базаси вазифасини ўтайди. Дастур натижалари иштирокчи давлатларнинг таълим сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатиб, таълим сиёсатининг йўналиш танлашига катта туртки беради.
2.	Инноватив «саводхонлик»ликни ошириш	PISA халқаро баҳолаш дастури ўқувчилар ақлий салоҳиятини ўстиришнинг концепциявий йўналишини аниқлашга ёрдам беради. Хусусан, ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича топшириқларни тушунишлари, фанлараро боғлиқликни англашлари, топшириқларнинг қўйилиши, уларнинг ечилиши ва татбиқ этилиши шулар жумласидандир. Дастур ўқувчиларнинг ҳаётда кузатувчанлик, олган билимларини кундалик шахсий ҳаётида қўллаш каби ҳаётий-амалий компетенцияларини ривожлантиради, ўқувчиларнинг ўқув машғулотларидан ташқари вақтда билимларини доимий кенгайтириш учун йўналиш белгилашда катта аҳамиятга эга.
3.	«Бутун ҳаёт давомида ўқиш» концепциясини тарғиб қилиш	Ўқувчиларга ўқиб-ўрганиш фаолияти шахсий ривожланишнинг бош омили эканлиги ва бутун ҳаёти давомида бу фаолият билан шуғулланиши кераклиги тушунтирилади. PISA халқаро баҳолаш дастури ўқувчиларнинг бутун ҳаёти давомида ўқиб-ўрганишга ижобий муносабатда бўлишига, ўқишга бўлган мотивациясини ортишига, ўқувчиларга ўрганиш стратегияларини аниқлаб олишига имконият беради.
4.	Тизимлилик ва доимийлик	PISA халқаро баҳолаш дастури ҳар уч йилда ўтказилади ва иштирокчи давлатлар таълим тизимини тизимли, доимий миллий мониторингини ўтказиш ҳамда мактаб таълими мақсадларини амалга оширишни такомиллаштириш имкониятини беради. Бу орқали амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохатларнинг самарадорлигига баҳо бериш имконияти яратилади. Таълим соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни тизимли таҳлил қилиш учун эмпирик маълумотларни тақдим этади.
5.	Ўқитувчиларнинг диагностик компетенцияларини ривожлантириш	PISA халқаро баҳолаш дастури ўқитувчиларнинг диагностик компетенциясини оширишга туртки бўлади. Баҳолаш дастурига тайёргарлик кўриш асносида ўқитувчилар ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва шу асосида ташкил этилган ўқув жараёни, ўқув адабиётлари, ўқув топшириқларини ўқувчиларнинг таянч компетецияларини шакллантириш нўқтаи назаридан текшириб, таҳлил қилиб чиқади. Шунингдек, ўқувчилар таянч компетенцияларини ривожланганлигини диагностика қилиш бўйича янги тажрибаларга эга бўлади.

6.	Ўқитувчиларнинг топшириқлар ишлаб чиқариш кўникмасини ривожлантириш	PISA халқаро баҳолаш дастури ўқитувчилардан ўқув жараёнида қўлланиладиган топшириқларнинг сифатини баҳолаш, ўқувчиларнинг ўрганган билимларини реал ҳаётий вазиятларда қўллай олишлари, ижодий ва мантикий фикрлаш кўникмалари ривожлантиришга қаратилган топшириқлар билан бойитишига туртки беради. Ўқитувчилар интегратив ёндашув асосида фанлар “дидактик тармоғи”дан самарали фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг “когнитив мустақиллиги”ни таъминлашга қаратилган топшириқлар шакллантириш кўникмасига эга бўладилар.
7.	Ўқитувчиларнинг „синф менежменти“ бўйича амалий кўникмаларини ривожлантириш	Ўқитувчилардан ўқувчилар таянч компетенцияларини шакллантиришда ўқув синфларидаги рухий-ижтимоий ҳолатнинг дарсга таъсири, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш имкониятини беради. Шунингдек, ўқитувчиларнинг синф ўқувчиларнинг гуруҳларда ишлаш, ўқув лойиҳаларида ишлаш бўйича янги замонавий ёндашувларни татбиқ этиш юзасидан кўникмалари ортиб боради.
8.	Холис макродиагностик таҳлил қилиш	PISA халқаро баҳолаш дастури бу макродиагностика бўлиб, таянч мактабларда фаолият кўрсатмайдиган, баҳолаш жараёнлари бўйича махсус курсларда ўқиган мутахассислар назоратида холис ташкил этилади. Ўқувчилар билими уларга таниш бўлмаган PISA халқаро баҳолаш дастури концепцияси мезонлари асосида баҳоланади. Ушбу мезонлар PISA халқаро баҳолаш дастури консорциуми томонидан ишлаб чиқилади.
9.	Мактабларнинг жамиятдаги функциясини ортиб бориши	PISA халқаро баҳолаш дастури мактаблар, аҳолининг ижтимоий табақалари, жинси, келиб чиқиши, ҳудудлар ва давлати бўйича натижаларни умумлаштиради ва жамиятнинг турли жабҳалари учун таълимга оид статистик маълумотларни тақдим этади. Баҳолаш дастури мактабларнинг таълим ва тарбия функциясига тўлдирувчи вазифа ролини ўтайди. Мактабларда ўқувчиларнинг фақат маълум фан бўйича эришилган билимлари эмас, балки фанлараро ва бир қанча фанларни умумлаштирувчи топшириқларни бажара олишини текширувчи таянч компетенцияларга эътибор қаратиш керак бўлади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, PISA халқаро баҳолаш тадқиқоти нафақат ўқувчиларнинг саводхонлиғни аниқлаш балки миллий таълим тизими мазмунини такомиллаштиришга, унинг турли халқаро эътироф этилган таълим концепциялари, технологиялари, методлари ҳамда ўқув адабиётлари билан бойишига имкониятлар яратади. Шунингдек, миллий таълим тизимини халқаро баҳолаш дастурлари билан боғлаган ҳолда илмий-педагогик, илмий-амалий тадқиқотлар йўналишини белгилашга хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг PISA халқаро баҳолаш дастурида иштирок этишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари тўлақонли шакллантирилган. Назарий жиҳатдан PISA халқаро баҳолаш дастури концепцияси ва давлат таълим стандартлари мазмунан ва меъёрий жиҳатдан ўқувчиларда таянч компетенцияларнинг шаклланишига кенг имконият беради. Халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчилар таянч компетенцияларининг

шаклланишининг ҳуқуқий-меъёрий шарт-шароитларининг тўлақонли шаклланганлиги баҳолаш дастури ташкилий-методик босқичи учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2019 й., 07/19/4467/3825-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5712-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 997-сон Қарори / “Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”, 10.12.2018 й., 09/18/997/2289-сон.

4. Исмаилов А.А. Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш тизимини халқаро талаблар асосида такомиллаштиришнинг назарий ва институционал асослари// Таълим ва инновацион тадқиқотлар журналы, 2-сон, 2022. – Б. 92–103.

5. Маткаримов А. PISA халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш/ пед. фанл. фал. докт. ... дисс. автореф. – Т.: 2022. – Б. 56.